

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.02/30.04.2021.Т.79.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ТАЙЛАҚОВ АБДУРАЗОҚ АБИЛОВИЧ

**“АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРИНИ
ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ЗАМОНАВИЙ
УСУЛЛАР ЁРДАМИДА БАҲОЛАШ”**

**Ихтисослик: 11.00.05 – Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан
оқилона фойдаланиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус-2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Тайлақов Абдуразок Абилович

Айдар Арнасой кўллар тизими табиий ресурсларини экотуризмни
ривожлантириш мақсадида замонавий усуллар ёрдамида баҳолаш.... 3

Тайлаков Абдуразак Абилович

Оценка природных ресурсов Айдар-Арнасайских озёрных систем
современными методами с целью развития экотуризма..... 23

Taylakov Abdurazak Abilovich

To asses the ecosystems of the Aydar-Arnasay lakes system's by
means of modern methods for development of the ecotourism..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.02/30.04.2021.Т.79.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ТАЙЛАҚОВ АБДУРАЗОҚ АБИЛОВИЧ

**“АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРИНИ
ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ЗАМОНАВИЙ
УСУЛЛАР ЁРДАМИДА БАҲОЛАШ”**

**Ихтисослик: 11.00.05 – Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан
оқилна фойдаланиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус-2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T2035 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.aknuk.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қулматов Рашид Анорович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мурадов Шухрат Одилович
техника фанлари доктори, профессор

Атаназаров Қуралбай Мауленович
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология
Илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.02/30.04.2021.Т.79.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “11” ноябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Нукус ш., Ўзбекистон гузари кўчаси, 41-уй. Тел.: (998-61) 222-17-44; 222-17-45; факс (998-61) 222-17-44, e-mail: info@aknuk.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Нукус ш., Ўзбекистон гузари кўчаси, 41-уй. Тел.: (998-61) 222-17-44; 222-17-45; факс: (998-61) 222-17-44, e-mail: info@aknuk.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил “31” октябр куни тарқатилди.
(2022 йил “31” октябрдаги ____ - рақамли реестр баённомаси)

Б.С.Тлеумуратова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф-м.ф.д

Д.О. Алланиязов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.PhD, кат.и.х

И.Қ.Аимбетов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.д, кат.и.х

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда аҳоли сонининг ўсиб бориши, табиий ресурслардан фойдаланишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, атроф муҳитдаги турли хил салбий ўзгаришлар, ташлама сувлар ҳисобига кўллар тизимида сув ресурсларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўзгаришини аниқлаш ва баҳолашда замонавий усулларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурининг 15-бандида “Сув экосистемаларини муҳофаза қилиш, тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, биологик хилма-хилликни йўқолишини олдини олиш”¹ юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширишни тақозо этади. Шу жиҳатдан Айдар-Арнасой кўллар тизимида сув ресурсларининг кўпайиши ҳисобига юзага келган экологик ҳолатни, атроф табиий муҳит ҳамда мамлакат иктисодиётига ҳисса қўшувчи экотуризмни ривожлантиришга йўналтирилган амалий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда, глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларини гидрологик режимининг ўрганиш, миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгаришини аниқлаш ва баҳолашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, Айдар-Арнасой кўллар тизими (ААКТ) сув ресурсларининг йиллар давомида динамикасини, миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўзгаришини замонавий усулларда аниқлаш ва баҳолашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда Айдар Арнасой кўллар тизимининг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экологик ҳавфсизлик ва уни барқарорлаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. “Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да, “аҳолининг экологик ҳавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш ва атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш”² алоҳида устувор йўналиш сифатида муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, Айдар-Арнасой кўллар тизимининг экстремал (сув сатҳини кўтарилиши ва пасайиши) вазиятларини таҳлил қилиш, сув ресурсларининг кўп йиллик (1993-2019 йиллар) динамикасини ўрганиш, Географик ахборот тизимлари (ГАТ) технологияси дастури ёрдамида: олинган кўп йиллик маълумотлар асосида сув ресурсларининг миқдорини ва сифат кўрсаткичларини акс эттирувчи мавзули хариталар тузиш орқали баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сонли “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитини муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-сонли “Айдар-Арнасой кўллари тизимининг биологик ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 22 апрелдаги 347-сонли “Айдар-Арнасой кўллари тизимининг биологик ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Айдар-Арнасой кўллари тизими экосистемаси, фауна ва флораси, сув сифати кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар хорижий олимлар М. Groll, S. Wahyuni, K. Rodina, J.F. Cretaux, В. Wiłkomirski, мамлакатимиз географ олимлар Л.А. Алибеков, А.А. Рафиқов, С.Б. Аббасов, Н.Р. Алимқуловлар, Р.А. Қулматов, гидролог А.М.Никитин, Н.Е. Горелкин, Н.Г. Верещагина, Т.В. Кудышкин, Э.И. Чембарисов, геоботаник Ғ.У. Қодиров ва бошқа бир қатор олимларнинг илмий изланишларида ёритилган.

Туризм соҳасида Р. Давидов (1990), А.В. Дроздов (1999), В.В. Храбовченко (2003), Т.В. Бочкарева (2003), Л.И. Егоренко (2003), Н. Тухлиев ва Т. Абдуллаева (2006) каби тадқиқотчиларнинг ишлари кўпроқ экотуристлик маркетинг, менежмент, сервис ва экотурларга бағишланган. Тадқиқот ишларида табиий туризм билан экологик туризм ўртасидаги аниқ бир фарқ ёки экотуризмнинг назарий асослари очиқ берилмаган.

Россиялик олимлар томонидан экологик туризмнинг ҳолати ва муаммолари ҳақида Н.М. Боголюбова, Ю.В. Николаева (2011) лар тадқиқот олиб борган. Муаллифлар экологик туризмни таҳлил қилишга алоҳида эътибор беришган. Амалга оширилган турли лойиҳалар муҳофаза қилинган, трансчегаравий ҳамкорлик, уларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги аҳамиятига тўхталган. Олиб борилган тадқиқотларида кўллари тизимида экологик туризмни ривожлантириш соҳасидаги ишлар ўрганилмаган.

ААКТда тадқиқот олиб борган олимлар томонидан кўллари тизимининг узоқ йиллар давомидаги гидрологик ўзгаришлари таҳлил қилинмаган. Кўллари тизими майдонининг узоқ йиллар давомида ўзгариш динамикаси, сув сатҳининг ўзгаришига корреляцион боғлиқлиги, кўллари тизими сув ресурсларининг миқдори Чордара сув омборидан ва коллектор дренажлардан

қуйилаётган сувларнинг миқдorigа ҳамда иқлим шароитига боғлиқлиги етарлича ўрганилмаган. Кўллар тизимининг кўп йиллар давомидаги майдони, сув сатҳи ва миқдори ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши ГАТ дастурлари ёрдамида баҳоланмаган. Кўллар тизими сув ресурсларининг гидрокимёси 2011 йилда И.Беликов томонидан дала тадқиқотлари асосида ўрганилган. Тадқиқот ишларида кўллар тизими сув ресурсларининг сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Бироқ олиб борилган тадқиқот ишларида кўллар тизими сув ресурслари гидрокимёси бутун тизим бўйича тўлиқ қамровда ўрганилмаган, сув ресурслари сифат кўрсаткичларининг ўзгариши тўлиқ ўрганилиб ГАТ дастури ёрдамида баҳоланмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах политехника институти илмий тадқиқот ишлар режасининг 26.10.2019 йилдаги Ш/1-2019-сонли “Айдар-Арнасой кўллар тизими табиий ресурсларини ўрганиш илмий тадқиқот ишларини олиб бориш” мавзусидаги хўжалик шартномаси лойиҳаси (2019-2021 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Айдар-Арнасой кўллар тизими сув ресурсларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўзгаришини аниқлаш ва баҳолаш, кўллар тизими ҳудудларида экологик туризмни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ААКТга Чордара сув омбори орқали қуйилаётган Сирдарё ва коллектор дренаж сувларининг кўллар тизими сувининг миқдор ва сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш ва баҳолаш;

ААКТ сув ресурсларининг гидрологик режимининг ўзгариш динамикасини аниқлаш ва ГАТ усулида баҳолаш;

ААКТ сув ресурсларининг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

Кўллар тизими сув ресурслари сифат кўрсаткичларининг ўзгаришини аниқланган таҳлиллар асосида ГАТ усулида хариталар тузиш орқали баҳолаш;

ААКТ сув ресурслари балансини аниқлаш;

Кўллар тизими ҳудудининг 1:2000000 масштабдаги ландшафт хариталаридан фойдаланган ҳолда экотуризм маршрутларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти Айдар-Арнасой кўллар тизими, Чордара сув омбори, кўллар тизимига қуйилаётган зовурлар (Қли, Жиззах бош зовури, Оқбулоқ, Чегара) суви ва кўллар тизимга туташ ҳудудлар.

Тадқиқот предметини Айдар-Арнасой кўллар тизимига таъсир этувчи омиллар, ААКТ гидрологияси, гидрокимёси, сув баланси ва табиий ресурсларининг ҳудудда экотуризмни ривожлантириш билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг усуллари. дала тадқиқотлари, статистик баҳолаш, масофавий зондлаш (Landsat), ГАТ технологиялари, картографик усуллардан фойдаланилган.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагича:

ААКТда сув миқдори, сувнинг сифат кўрсаткичларининг ўзгариши Чордара сув омбори орқали ташланаётган Сирдарё ва КДС сувларнинг миқдори йилига 4270 млн. м³ дан кўп бўлса кўллар тизимининг кўрсаткичлари ошганлиги, 4270 млн. м³ дан кам бўлган йилларда кўллар тизимининг кўрсаткичлари камайганлиги ГАТ дастури ёрдамида бажарилган хариталар ёрдамида аниқланган ва баҳоланган;

ААКТ сув ресурслари гидрологик режимининг (1993-2019 йиллар) давомида ўзгариш динамикаси: сув сатҳи 237,6-244,7 м, сув ҳажми 16,7-34,3 км³, майдони 2045-3224 км², йиллик амплитуда 2,37-0,84 м. оралиғида ўзгариши ГАТ дастури ёрдамида бажарилган хариталар орқали аниқланган ва баҳоланган;

ААКТнинг сув ресурслари сифат кўрсаткичлари 22 та компонент бўйича: Арнасай кўлида минераллашуви 6,67-8,12 г/л, катионлардан: кальций 614,1-798,8 мг/л, азот аммоний 6,68-9,21 мг/л, оғир металллардан кўрғошин 0,012-0,024 мг/л, мис 0,0028-0,004 мг/л, Тузкон кўлида минераллашуви 9,56-12,78 г/л, катионлар: кальций 501,0-1194,38 мг/л, азот аммоний 6,54-9,55 мг/л, оғир металллардан кўрғошин 0,024-0,032 мг/л, кобальт 0,003-0,006 мг/л, Айдар кўлида минераллашув 9,79-14,46 г/л, кальций 604,8-952 мг/л, оғир металллардан мис 0,0026-0,005 мг/л ва бошқа кўрсаткичларнинг ўзгариши ГАТ усулида тузилган хариталар ёрдамида аниқланган ва баҳоланган;

кўллар тизими 1:2000000 масштабда 1 та ва 1:500000 масштабдаги 4 та: Фарбий Айдаркўл худудида саргузашт, туялардаги, вертолётдаги экотурларни ва яёв (пиёда) экотурлар, Шарқий Айдаркўл худудида овчилик, даволаниш, илмий ва саргузашт экотурларни, Тузкон кўли худудида овчилик, саргузашт, илмий, маърифий-маънавий экотурлар ва Арнасой кўли худудида туялардаги, самолёт ва вертолётдаги, каноэ ёки қайиқдаги экотурлар, сув ости мосламалари орқали амалга ошириладиган экотурлар маршрутлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ААКТ сув ресурсларининг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши таҳлиллар ва статистик маълумотлар асосида аниқланган;

Кўллар тизими сув ресурсларининг гидрологик режими ўзгариши ГАТ ёрдамида баҳоланган;

Кўллар тизими сув ресурсларининг сифат кўрсаткичлари лаборатория таҳлиллари ёрдамида аниқланиб, ГАТ усулида хариталари яратилган;

ААКТ худудининг ландшафт харитасидан фойдаланиб экотуризмни ривожлантириш маршрутлари аниқланган;

кўллар тизими табиий ресурсларидан экотуризмни ривожлантириш мақсадида самарали фойдаланиш, геоэкологик вазиятини оптималлаштириш ва экологик хавфсизлигини барқарорлаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази, Жиззах вилояти гидрометеорология бошқармаси, Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маълумотлари, Навои тоғ металлургия комбинати ва Навои тоғ кон институти аналитик таҳлил қилиш лабораториясининг натижалари, Landsat EVIнинг серияли маълумотлар базаси, яратилган хариталарнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўллар тизими сув ресурсларининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини географик ахборот тизими дастури ёрдамида аниқлаш ва баҳолаш, кўл атрофининг геоэкологик вазиятини оптималлаштириш тенденцияларининг илмий–методологик асослари такомиллашганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ААКТнинг экстремал (сув сатҳининг кўтарилиши ва пасайиши) ҳолатларини масофавий зондлаш ёрдамида баҳолаш, мониторинг тизимининг такомиллашганлиги кўл атрофи ерлардан самарали фойдаланишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Айдар-Арнасой кўллар тизими табиий ресурсларини экотуризмни ривожлантириш мақсадида замонавий усулларда баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

Айдар-Арнасой кўллар тизими сув ресурслари сифат кўрсаткичлари (минерализацияси, биоген элементлар: азот, фосфор, калий, оғир металллар) ва миқдори замонавий усуллар ёрдамида комплекс ўрганилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 23 ноябрдаги 03-02/8-1799 -сонли маълумотномаси). Натижада сув ресурсларидан экотуризмни ривожлантириш учун фойдаланиш мақсадида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берган.

Айдар-Арнасой кўллар тизимида сув миқдори ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши Чордара сув омбори орқали ташланилаётган Сирдарё ва коллектор дренаж сувларига боғлиқлиги ва ўзгариш сабаблари ГАТ ёрдамида аниқланган ва баҳоланган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 23 ноябрдаги 03-02/8-1799 -сонли маълумотномаси). Натижада Айдар-Арнасой кўллар тизимининг сув ва биологик ресурсларни муҳофаза қилиш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконияти яратилган.

Диссертация тадқиқоти Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳит муҳофаза қилиш бошқармаси, Жиззах вилояти Туризм ва спорт бошқармаси, Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Жиззах мелиоратив экспедицияси тизими амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза

қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 23 ноябрдаги 03-02/8-1799 -сонли маълумотномаси). Натижада кўллар тизими ҳудудида экотуризмни ривожлантиришда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та, жумладан 5 таси республика, 5 таси хорижий журналларда ҳамда 1 монография нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловаларидан иборат. Диссертация матн қисми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асослангани, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ва уларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Айдар-Арнасой кўллар тизими (ААКТ) гидрологияси ва гидрокимёси бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида кўллар тизимининг гидрологияси ва гидрокимёси бўйича олиб борилган тадқиқотлар юзасидан адабиётлар таҳлили, ААКТ табиий ресурслари ва уларнинг таснифи, кўллар тизими гидрологиясига бағишланган тадқиқотлар, ААКТ гидрокимёси бўйича олиб борилган илмий ишлар, ААКТда экологик туризмни ривожлантириш соҳасидаги ишлар таҳлили ёритилган.


ААКТнинг гидрологияси, сув ҳажми, майдони, сув сатҳининг йиллар давомида ўзгариши асосан кўллар тизимида Чордара сув омбори орқали ташланадиган Сирдарё сувига ва унга қуйиладиган коллектор дренаж сувлари микдорига боғлиқ равишда ўзгариб туриши, уларни мониторинг қилиб бориш кўллар тизимида экотуризмни ривожлантириш учун муҳимлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Айдар-Арнасой кўллар тизими сув ресурсларининг микдорий кўрсаткичлари динамикасини ГАТ усулида**

аниқлаш ва баҳолаш” деб номланган иккинчи бобида кўллар тизими сув миқдоринг вақт ва масофада ўзгариш динамикаси чуқур статистик таҳлиллар натижаларига асосланиб ААКТ майдонини аниқлашда ГАТ технологиялари қўлланилган. Олинган натижалар асосида ГАТ технологияларини қўллаб тадқиқот объектига бевосита бормасдан туриб сув объекти худудининг ўзгариш динамикасини “онлайн” режимда мониторинг қилиб бориш мумкинлиги аниқланган.

Дала экспедициядан олинган маълумотларга қўшимча равишда сунъий йўлдошларда олинган суратлардан ААКТнинг майдонини ўлчашда фойдаланилди. Космик суратларнинг манбаси “Landsat” ҳисобланиб, қўйилган мақсадга мувофиқ 1993 йилдан 2017 йиллар оралиғида олинган космик тасвирлар таҳлил қилиш учун “Earth Explorer” маълумотлар базасидан юклаб олинди. Юқланган суратлар мос равишда 1993, 1997, 2003, 2007, 2013 ва 2017 йилларнинг декабр ойида олинган бўлиб, йиллик ўзгаришлар якуни шу ойда бўлиши эҳтимолига кўра назарий қабул қилинди. Таҳлил қилинган фазовий суратлар дала амалиётига чиқмасдан туриб ААКТнинг гидрологик режимини баҳолаш учун йиғилган бирламчи маълумотларга қўшимча равишда фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг аниқлигини мукамаллаштириш мақсадида ААКТ кўплаб фазовий суратларни юклашга тўғри келди. Юқланган суръатлар “Erdas Imagine 2014” дастури орқали бирлаштирилди. Суръатларни сифатини ошириш ва филтрлаш учун “COST” моделидан фойдаланилди ва суръатлар фазовий координатага аниқ тушиши учун геометрик коррексияланди. “ArcGIS 10.6” дастури ёрдамида эса бирлаштирилган фазовий маълумотлардан ААКТ ажратиб олинди ($DN < 20$) ва объектнинг нур қайтариш хусусиятига кўра таҳлил қилинди.



1-расм. Айдар-Арнасой кўллар тизими майдонининг йиллар давомида ўзгариши динамикаси


ГАТ маълумотларидан фақат ААКТ майдонинг ўсишини кўришимиз мумкин, лекин улар сонли маълумотларни бера олмайди. (1-расм). Шунинг эътиборига олган ҳолда, 1-расмдаги маълумотларига асосланиб ҳар бир йил учун яратилган ААКТ харитаси майдонининг рақамли қийматлари олинди (1-жадвал).

1-жадвал

Йиллари давомида ААКТ майдонининг ГАТ дастурлари орқали аниқланган рақамли ўзгариши

Йиллар	ААКТ майдони (км ²)
1993	3,898.35
1997	4,593.40
2003	5,259.91
2007	5,451.25
2013	5,564.31
2017	5,696.56

Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, ГАТ маълумотларидан олинган хатоликларни батамом камайтириш имкони мавжуд эмас. Қўлланган услублар қисмида келтириб ўтилганидек, олинган ГАТ хариталари сифатини ошириш учун қўлланилган “COST” модели ААКТни нур қайтариш қийматларидаги хатоликни сезиларли даражада камайтирди. ГАТ дастурида бажарилган таҳлилда 5% хатолик мавжуд деб қаралди ҳамда ААКТ майдонининг ГАТда кўрсатилган рақамларига хатоликни эътиборига олган ҳолда графикга жойлаштирилди (2 расм).



2-расм. 5% хатоликка асосланиб ААКТ тизими майдонинг купайиши динамикаси

Йиллар давомида ААКТ атрофида иқлим ўзгариши маълумотлари

Йиллар	Йиллик ўртача ҳарорат (Жиззах метеостанцияси), °С		Йиллик ўртача ҳарорат (Дўстлик метеостанцияси), °С		Ёғингарчилик (ноябр-май ойлари), мм (Жиззах мс.)	Ёғингарчилик (ноябр-май ойлари), мм (Дўстлик мс.)
	Ёзги	Қишги	Ёзги	Қишги		
1993	27.6	4.1	27.9	5.0	361.7	267.0
1997	27.5	3.7	27.6	4.2	358.4	289.3
2003	27.3	3.8	27.8	4.3	402.6	378.5
2007	27.2	2.5	27.4	3.5	392.2	336.8
2013	26.2	1.1	26.9	0.9	416.4	350.1
2017	27.2	2.1	27.3	2.5	407.0	345.2
Ўртача кўп йиллик	27.2	2.9	27.5	3.4	389.7	327.8

Бунда биринчи навбатда иқлим факторлари ҳақидаги маълумотлар “Ўзгидромет” марказидан ААКТ атрофида жойлашган Жиззах ва Дўстлик метеостанциялари маълумотларидан фойдаланилди (1-расм).

Метеорологик маълумотлар асосида ААКТ майдони ўзгаришига маҳллий иқлим омилларининг таъсирини баҳолаш мақсадида корреляцион таҳлил амалга оширилди (3-жадвал).

Айдар-Арнасой кўллар тизими майдони ўзгаришига маҳаллий иқлим омилларининг корреляцион боғланиши

	Йиллик ўртача ҳарорат (Жиззах метеостанцияси)		Йиллик ўртача ҳарорат (Дўстлик метеостанцияси)		Ёғингарчилик, ноябр-май ойлари (Жиззах метеостанцияси)	Ёғингарчилик, ноябр-май ойлари (Дўстлик метеостанцияси)
	Ёзги	Қишги	Ёзги	Қишги		
Корреляцион боғланиш	-0.62	-0.75	-0.74	-0.74	0.87	0.88

Корреляцион боғланиш натижалари шуни кўрсатдики, йиллик фасллар давомида қайд этилган ўртача ҳарорат йиллар давомида камайиб бориши ва ноябр-май ойларида ёққан ёғингарчилик миқдори йиллар давомида ортиб бориши мобайнида, ААКТнинг майдони бир вақтда ортиб борган (3-жадвал). Мантиқан олиб қараганда ҳаво ҳароратининг тушиши потенциал эвапорация (буғланиш) жараёнини камайтиради. Шу сабабли ҳаво ҳароратининг тушиши кузатилган тадқиқот объектида кўлнинг майдони катталашган.

3-жадвал натижаларига кўра, ёғингарчилик билан майдон ўзгариши бир-бирига мусбат корреляцияланган. Бу ўз навбатида йиллик ёмғирли мавсумдаги умумий ёғингарчилик микдорининг ААКТ майдони ўзгаришига катта ва сезиларли таъсири борлигини англатади.

Масалага янада чуқурроқ ёндашиш учун қуйидаги статистик таҳлиллар бажарилди. Регрессион статистика натижаларига асосан танлаб олинган майдон қийматлари ва иқлим факторлари (ўзгарувчилар) бир-бирига жуда боғлиқлигини кўришимиз мумкин (4-жадвал).

4- жадвал

Регрессион анализ натижалари

Кўпайтирилган R	0.853
R ²	0.728
Меъёрлаштирилган R ²	0.669
Стандарт хатолик	315.080
Қайдлар	6

4-жадвал натижасига асосан, ўзгарувчиларнинг бир-бирига умумий статистик боғлиқлигини кўрсатувчи коэффициент (R²) 0.728 ни ташкил қилди. Бу ГАТ таҳлили натижаларини бирламчи иқлим маълумотларига кучли (R² > 0.70) боғлиқлигини кўрсатди.

Дисперсион таҳлил натижаларига кўра ўзгарувчилар умумий бир-бирига боғлиқлиги (F-муҳимлилик даражаси) илмий жиҳатдан муҳим ҳисобланди (5-жадвал). 5-жадвалдаги регрессион таҳлил қилинган 6 та кузатув қайдлари яъни, 6 та ҳар хил йиллар учун олинган космик фотосуратларнинг ГАТ таҳлили натижалари ушбу йилларга мос равишда олинган иқлим маълумотларига боғлиқлиги қайдининг F-қиймати (45.635) умумий F-тестда кўрсатилган критик F-қийматдан (8.003) анча катта бўлганлиги, ҳамда унинг F-муҳимлилик даражаси жуда паст бўлганлиги (<0.05) олинган юқоридаги натижаларни илмий асосли эканлигини тасдиқлайди.

5- жадвал

Дисперсион анализ натижалари

	df	F-қиймат	F-муҳимлилик даражаси
Регрессия	6	45.635	0.000787

ГАТ технологияларни интеграциялашуви ААКТнинг майдонини йил давомида ўзгариши динамикасини баҳолашда илмий ва статистик жиҳатдан фойдали деб айтиш мумкин.

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра ГАТ дастури ёрдамида аниқланган ААКТ майдонининг йил давомида ўзгариши қийматлари ёғингарчиликка ва йиллик ўртача ҳароратга боғлиқлиги аниқланган. Ушбу корреляциянинг илмий жиҳатдан аҳамияти қанчалик даражада юқори бўлмасин, 6-жадвалнинг регрессион таҳлили натижалари ҳам юқоридаги корреляцион таҳлил натижаларини статистик аҳамиятга эғалигини тасдиқлади ($p < 0.05$ – ҳарорат ва ёғингарчилик учун).


Олинган бирламчи маълумотлар шуни кўрсатадики, 1993 йилда сув сатҳи 237,58 м, майдони 2,045 км², 1996 йилда сув сатҳи 242,48 м, майдони 2,682 км², 2000 йилда сув сатҳи 244,26 м, майдони 3,140 км² бўлган.

ААКТ сув сатҳи, ҳажми ва майдонинг энг юқори кўрсаткичлари 2006 йилда кузатилган. Сув сатҳи 246,82 м, ҳажми 42,15 км³, майдони 3,599 км² ни ташкил этган (расм,,).

Кейинги йилларда Чордара сув омбори орқали ташланаётган сув микдорининг камайиши ҳисобига ААКТ сув сатҳининг пасайиши ва майдонинг камайишига олиб келган. 2010 йилда сув сатҳи 245,78 м, майдони 3,412 км², 2014 йилда сув сатҳи 245,56 м, майдони 3,373 км², 2017 йилда сув сатҳи 244,73 м, майдони 3,224 км² дан иборат бўлган. Сув сатҳи билан майдон ўртасидаги корреляцион боғланиш яқин бўлган ($R^2 = 0.935$).

Диссертациянинг “**Айдар-Арнасой кўллари тизими сув ресурслари сифат кўрсаткичларининг ўзгаришини ГАТ усулида аниқлаш ва баҳолаш**” деб номланган учинчи бобидан сув ресурсларининг сифат кўрсаткичлари таҳлиллар асосида ўрганилган ва ГАТ дастури асосида баҳоланган. Сув намуналарини таҳлил қилишда атомли-абсорбцион, газохроматографик, фотометрик, фотоколориметрик, гравиметрик, спектрофотометрик ва физико-химик усуллардан фойдаланилган.

ААКТнинг умумий майдони 164 та контурга бўлинган. Ҳудудий бўлиниши бўйича Арнасой кўлидан 65-78 контурлар, Тузкон кўлида 60-64, 82-113 контурлар, Айдар кўлида 1-59, 114-164 контурлар сув намуналари олиш нуқталари қилиб олинди. Тадқиқот майдони ва ундан намуна олинган нуқталар 3-расмда кўрсатилган.



Шартли белгилар:

- Намуна олинган нуқталар, — давлатлараро чегара, - вилоятлараро чегара

3-расм. Тадқиқот майдони ва намуна олинган нуқталар

ААКТ таркибидаги Арнасой, Тузкон ва Айдар кўллари суви сифат кўрсаткичлари: рН, минераллашуви, катионлар, анионлар ва оғир металллар

микдори бўйича Арнасой кўлидан 14, Тузкон кўлидан 37, Айдар кўлидан 110 та нуқтасидан сув намуналари олиниб таҳлил қилинган ва ГАТ ёрдамида қайта ишланган натижалар 4-расмда кўрсатилган.


Кўллар тизими сув ресурсларининг сифат кўрсаткичлари куйидагича:

1. Минераллашуви: Чордара сув омборидан сув куйилиш томонида Арнасой кўли сувининг минераллашуви рухсат этилган меъёрдан 6,7-8,1 баробар, Тузкон кўлида 9,6-12,8 баробар, Айдар кўлида 9,8-14,5 баробар кўп бўлганлиги аниқланган.


2. Оғир металлар: Арнасой кўлида оғир металлардан рухсат этилган миқдори (РЭМ) нисбатан кўрғошин миқдори 1,2-2,4, мис 2,8-4,0, рух 2,0-2,6 ва кобальт миқдорлари 3,0-4,8 баробар кўп бўлган. Қолган оғир металлар ва кимёвий компонентлардан: марганец, фтор, алюминий, циан, мышьяк ва хромнинг миқдорлари рухсат этилган миқдоридан ошмаганлиги аниқланган.

Тузкон кўлида кўрғошин миқдори 2,4-3,2, мис 1,6-2,6, рух 2,3-3,0, кобальт 3,0-6,0 ва хром миқдори РЭМ га нисбатан 1,5 баробар кўп бўлган, қолган оғир металлар ва кимёвий компонентлар миқдори: марганец, фтор, алюминий, циан ва мышьякнинг Тузкон кўли суви таркибидаги миқдори РЭМ-дан кам бўлган. Айдар кўлида кўрғошин миқдори 1,6-2,2, мис 2,6-5,0, рух 2,3-2,7, кобальт 4,4-6,2 ва хром миқдори РЭМ га нисбатан 1,5 баробар кўп бўлган, қолган оғир металлар ва кимёвий компонентлар миқдори: марганец, фтор, алюминий, циан ва мышьякнинг миқдори РЭМ-дан ошмаганлиги аниқланган.


ААКТ сув ресурсларининг сифат кўрсаткичлари РЭМ-дан ошиб кетишининг сабабларидан бири унга куйилиб турадиган Чордара сув омбори ва коллектор дренаж сувлари (КДС) бўлганлиги сабабли, кўллар тизимига куйилаётган сувларнинг миқдори ва сифат кўрсаткичларини доимий мониторинг қилиб бориш лозим бўлади.




4- а) расм




4- б) расм



4- в) расм




4- г) расм




4- д) расм




4- е) расм




4- ж) расм



4- з) расм




4- и) расм



4- й) расм



4-к) расм



4-л) расм

4-(а-л) расм. ААКТ сув ресурслари сифат кўрсаткичларининг(микдорининг) ГАТ дастури асосида ишлаб чиқилган хариталари

ААКТ суви сифат кўрсаткичларининг вақт ва масофада ўзгариши махсус контурлардан олинган намуналар асосида ўтказилган таҳлил натижалари ва ГАТ усуллари ёрдамида қайта ишланиб тузилган хариталар ёрдамида баҳоланган.

ААКТ сув миқдорининг кескин камайиши ҳамда сувнинг минераллашуви, оғир металллар ва бошқа компонентлар миқдорининг РЭМ дан сезиларли даражада ошмаслиги учун давлатлараро келишув орқали Сирдарё сувининг Чордара сув омборидан мунтазам равишда қуйиб туриш лозимлиги тавсия қилинган.

Диссертациянинг “**Айдар-Арнасой кўллар тизими табиий ресурсларини ҳудудда экотуризмни ривожлантириш мақсадида замонавий географик ахборот тизими (ГАТ) усулида баҳолаш**” деб номланган тўртинчи бобида ААКТдаги сув баланси, кўллар тизимининг ҳудудларга бўлинган ландшафт харитаси ва экотуристтик маршрутлар кўрсатилган.

Кўллар тизимининг сув баланси кириш қисмига Арнасой кўлига Чордара сув омборидан кирадиган Сирдарё суви, кўллар тизимига ташланаётган коллектор-дренаж сувлари, сув юзасига тушадиган атмосфера ёғинлари ва ер ости сувлари киради (б-жадвал).

Кўллар тизимининг сув баланси чиким қисмига сув юзасидан атмосферага буғланиш, суғориш мақсадларида ишлатиладиган сувлар ва фильтрация сувлари киради (б-жадвал).

ААКТда сув балансини ҳисоблашда фильтрация ва инфильтрация сув миқдори француз олими А.Дарси усулидан фойдаланиб аниқланди.

6-жадвал


Айдар-Арнасой кўллар тизими сув баланси

Т/р	Сув баланси таркибий қисмлари	Йиллар бўйича							
		2004	2006	2008	2010	2012	2014	2016	2018
1	Кириш сувлари (млн. м ³)								
	Чордара сув омборидан ташланаётган сувлар	2865,0	337,0	956,0	840,0	1623,0	124,0	25,0	132,0
	Ер остидан кўшилган сувлар	41,1	46,2	44,6	45,5	45,7	45,1	43,4	43,3
	Ёғингарчилик сувлари	380,0	241,5	280,7	220,2	263,6	192,5	363,2	230,6
	КДС	1789,4	1848,4	2531,5	2596,4	2640,9	2587,7	2666,6	2629,5
	Жами кираётган сувлар:	5075,5	2473,1	3812,8	3702,1	4573,2	2949,3	3098,2	3035,4

6-жадвал давоми

2	Чиқиш сувлари								
	Кўллар тизими юза қисмидан парланиш	3909,1	4161,6	4278,2	4282,8	4224,7	4163,4	4103,2	4206,7
	Ер остига кетган филтрация	41,1	46,2	44,6	45,5	45,7	45,1	43,4	43,3
	Суғоришга ишлатилган сувлар	20,8	32,4	75,2	176,4	99,4	245,8	129,0	150,5
	Жами сарфланган сув:	3971,0	4240,2	4398,0	4504,7	4369,8	4454,3	4275,6	4400,5
Баланс									
Баланс миқдори	+1104,5	-1767,1	-585,2	-802,6	+203,4	-1505,0	-1177,4	-1365,1	

ААКТ нинг 2004-2018 йиллардаги сув баланси ҳисоблаб чиқилганда максимум кўрсаткичи 2004 йилда +1104,5 млн.м³, минимум кўрсаткичи 2006 йилда -1767,1 млн.м³ ни ташкил этган ва кўллар тизими сув миқдорининг камайиб кетиши Чордара сув омбори орқали ташланаётган Сирдарё сувига боғлиқлиги аниқланди.



5-расм. ААКТнинг ҳудудларга бўлинган ландшафт харитаси

Айдар-Арнасой кўллар тизими, ландшафт ва биохилма-хиллиги, балиқчилик хўжаликлари, кўллар тизимига тутшиб кетган Қизилқум чўлидан таркиб топган табиий-экологик компонентлари худудда экологик туризмни ривожлантириш имкониятларини беради.

ААКТ да экотуризмни ривожлантириш худудлари ва маршрутларини белгилашда қуйидаги 4 та қисмга бўлинган: 1) Ғарбий Айдаркўл атрофи ландшафтлари (Қизилқум чўл ландшафтлари). 2) Шарқий Айдаркўл атрофи ландшафтлари (Қизилқум чўли ва Шимолий Нурота тоғлари билан туташ қисми). 3) Тузкон кўли атрофи ландшафтлари (Мирзачўл текислиги билан туташ қисми). 4) Арнасой кўли атрофи ландшафтлари (Қизилқум чўли ва Мирзачўл текислиги билан туташ қисми) харитасидан фойдаланилди.

1. Ғарбий Айдаркўл атрофи ландшафтлари (Қизилқум чўл ландшафтлари) қисмида:

- **Экотуризмнинг** функционал таснифланиши қараб илмий ва саргузашт экотурларни;

- **Экотуристик** сайёҳликнинг туялардаги экотурлар, вертолётдаги экотурларни ва яёв (пиёда) экотурларни;

2. Шарқий Айдаркўл атрофи ландшафтлари (Қизилқум чўли ва Шимолий Нурота тоғлари билан туташ қисми)да:

- **Экотуризмнинг** функционал таснифланиши қараб: овчилик экотурларни, экотурларни, илмий ва саргузашт экотурларни;

- **Экотуристик** сайёҳликнинг отлардаги экотурлар, туялардаги экотурлар, вертолётдаги экотурлар, яёв (пиёда) экотурларни;

3. Тузкон кўли атрофи ландшафтлари (Мирзачўл текислиги билан туташ қисми)да:

- **Экотуризмнинг** функционал таснифланиши қараб: овчилик экотурлари, саргузашт экотурлар, илмий экотурлар, маърифий-маънавий экотурларни;

- **Экотуристик** сайёҳликнинг отлардаги экотурлар, туялардаги экотурлар, вертолётдаги экотурлар, каноэ ёки қайиқдаги экотурлар, яёв (пиёда) экотурлар, сув ости мосламалари орқали амалга ошириладиган экотурларни;

4. Арнасой кўли атрофи ландшафтлари (Қизилқум чўли ва Мирзачўл текислиги билан туташ қисми) да:

- **Экотуризмнинг** функционал таснифланиши қараб: илмий экотурлар, овчилик экотурлари, саргузашт экотурлар, экстремал экотурларни;

- **Экотуристик** сайёҳликнинг туялардаги экотурлар, самолёт ва вертолётдаги экотурлар, каноэ ёки қайиқдаги экотурлар, сув ости мосламалари орқали амалга ошириладиган экотурларни ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

“Айдар-Арнасой кўллар тизими табиий ресурсларини экотуризм ривожлантириш мақсадида замонавий усуллар ёрдамида баҳолаш” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар олинган:

1. ААКТ майдонини аниқлашда масофадан зондлаш ва ГАТ технологиялари қўлланилди. ГАТ технологияларини қўллаб тадқиқот объектига бевосита бормасдан туриб ўрганилаётган сув объекти худудининг ўзгариш динамикасини “онлайн” режимда мониторинг қилинди.

2 ААКТ гидрологик режими ўзгариши динамикасини ГАТ дастури асосида баҳоланди.

3. ААКТга Чордара сув омбори орқали қуйилаётган Сирдарё суви, экин майдонларидан келаётган коллектор дренаж сувларинининг кўллар тизими сувининг миқдор ва сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланди ва баҳоланди.

4. Айдар-Арнасой кўллар тизими сув ресурсларининг гидрокимёвий кўрсаткичларининг ўзгариши замонавий ГАТ технологияларини қўллаган ҳолда аниқланди ва баҳоланди.

5. ААКТ суви сифат кўрсаткичларининг масофада ўзгариши махсус контурлардан олинган намуналар асосида ўтказилган таҳлил натижалари ва ГАТ усуллари ёрдамида қайта ишланиб тузилган хариталар ёрдамида баҳоланди.

6. ААКТ-га Чордара сув омбори орқали қуйилаётган Сирдарё сувининг ҳамда КДС сувларининг ташланиши ҳисобига кўллар тизими суви сифат кўрсаткичларининг ўзгариши ва фазовий тақсимланиши аниқланди.

7 Кўллар тизимига доимий равишда қўйилиб турган коллектор-дренаж ва Чордара сув омбори орқали қуйилаётган Сирдарё сувларининг минераллашуви ААКТнинг асосий сув массаларининг минераллашувидан анча паст эканлигини ва бу сувлар кўллар тизимининг гидрокимёвий ҳолатини барқарорлаштиришда муҳим ҳисобланиши аниқланди.

8. ААКТнинг сув баланси аниқланди ва баҳоланди, сув балансида кириш сувлари миқдорининг чиқиш сувлари миқдоридан кўп бўлишини таъминлаш кўллар тизими сув миқдорининг камайиб кетишининг олдини олишда муҳимлиги, кўллар тизимининг экологик ҳолатини мақбул даражада ушлаб туриш учун йилига қўшимча 4,4 км³ сув ресурсларига бўлган эҳтиёж аниқланди.

9. ГАТ дастури асосида тузилган ААКТнинг 1:2000000 масштабдаги, 1:500000 масштабдаги 4 та худудга: Ғарбий Айдаркўл, Шарқий Айдаркўл, Тузкон кўли ва Арнасой кўли бўлинган ландшафт хариталаридан фойдаланиб:

- экологик туризмнинг функционал тавсифланишига кўра: илмий, сргузашт, овчилик, даволаниш турларини;

- экотуристтик сайёхликнинг: туялардаги, вертолётдаги, яёв (пиёда), отлардаги, каноэ ёки қайиқдаги, сув ости мосламалари орқали амалга ошириладиган экотурларни олиб бориш мумкинлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.02/30.04.2021.Т.79.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**

ДЖИЗАКСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ТАЙЛАКОВ АБДУРАЗАК АБИЛОВИЧ

**ОЦЕНКА ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ АЙДАР-АРНАСАЙСКИХ
ОЗЁРНЫХ СИСТЕМ СОВРЕМЕННЫМИ МЕТОДАМИ С ЦЕЛЮ
РАЗВИТИЯ ЭКОТУРИЗМА**

**11.00.05 – Охрана окружающей среды и рациональное использование
природных ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Нукус-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/Т2035

Диссертация выполнена в Джизакском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте (www.aknuk.uz) Ученого совета и информационно-образовательного портала «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Кулматов Рашид Анарович**
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мурадов Шухрат Одилевич**
доктор технических наук, профессо
Атаназаров Қуралбай Мауленович
кандидат биологических наук

Ведущая организация: Научно исследовательский институт
Гидрометеорология

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета при Каракалпакском научно-исследовательском институте PhD.02/30.04.2021.Т.79.02 в 2022 году «11» ноября часов 10⁰⁰ (Адрес: 230100, г. Нукус, проспект Бердаха, 41. Тел.: (998-61) 222-17-44; 222-17-45; факс (998-61) 222-17-44, e-mail: info@aknuk.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского научно-исследовательского института (регистрационный номер - _____). Адрес: 230100, г. Нукус, проспект Бердаха, 41. Тел.: (998-61) 222-17-44; 222-17-45; факс (998-61) 222-17-44, e-mail: info@aknuk.uz.

Автореферат диссертации разослан «31» октября 2022 года.

(реестр протокола рассылки № ____ от «31» октября 2022 года)

Тлеумуратова Б.С.
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

Алланиязов Д.О.
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, PhD т.н, с.н.с.

Аимбетов И.К.
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире одно из ведущих мест занимает использование современных методов в определении и оценке изменения количественных и качественных показателей водных ресурсов в системе озер в связи с ростом населения, увеличением потребности в использовании природных ресурсов, различными негативными изменениями в окружающей среде, сбросом воды. В мировом масштабе требует осуществления комплексных мер по программы Организации Объединенных Наций по устойчивому развитию 15 пункт до 2030 года ставит задачи «Защищать, восстанавливать и использовать наземные экосистемы, бороться с опустыниванием, остановить деградацию земель и предотвратить утрату биоразнообразия»¹. В этой связи важно провести практическую исследовательскую работу, направленную на развитие экологической ситуации в системе озер Айдар-Арнасай развития экотуризма, что способствует экономическому развитию страны.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на изучение гидрологического режима водных ресурсов в условиях глобального изменения климата, выявление и оценку изменения количественных и качественных показателей. В связи с этим особое внимание уделяется определению и оценке динамики водных ресурсов по годам, изменению количественных и качественных показателей системы озер Айдар-Арнасой (ААКТ) современными методами.

В нашей Республике достигнуты определенные результаты за счет реализации комплексные меры по обеспечению рационального использования природных ресурсов системы озер Айдар-Арнасой, экологической безопасности и ряд мер по ее стабилизации. Принимается ряд мер по рациональному использованию природных ресурсов озерной системы Айдар-Арнасай, проводится борьба с опустыниванием, экологической безопасности и ее стабилизации. В «Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», «Обеспечение жизни населения в экологически безопасной среде и предотвращение экологических проблем, наносящих вред окружающей среде, здоровью населения и генофонду»² определено как особый приоритет. Игруют важный роль выполнение этих задач, в том числе проанализировать экстремальное повышение и понижение уровня воды озерной системы Айдар-Арнасай, выявления и оценки долгосрочной (1993-2019 гг.) гидрологии и гидрохимии водных ресурсов. Использование технологии программы географических информационных систем (ГИС): путем составления тематических карт, отражающих количество водных ресурсов и показатели качества на основе полученных многолетних данных.

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>.

²Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

В связи с этим был принят ряд документов, таких, как Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-5863 от 30 октября 2019 г. «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 г.», Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 марта 2017 г. 124 «Об организационных мерах по обеспечению его использования» и постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 апреля 2019 года № 347 «О мерах по дальнейшему повышению эффективности использования биологических ресурсов озерной системы Айдар-Арнасай» и другие нормативные акты, связанные с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды» и VIII. Реализуется в соответствии с приоритетами «Науки о Земле».

Степень изученности проблемы. Исследованиями в данной области занимались зарубежные ученые M.Groll, S.Wahyuni, K.Rodina, J.F.Cretaux, B.Wilkomirski, географы нашей страны Л.А.Алибеков, А.А.Рафиков, С.Б.Аббасов, Н.Р.Алимкулов, эколог Р.А.Кулматов, гидролог А.М.Никитин, Н.Горелкин, Е.И.Чембарисов, геоботаник Г.У.Кадыров, исследователи НИГМИ Н.Верещагина, В.Кудышкин и другие.

В сфере туризма Р.Давидов (1990), А.В.Дроздов (1999), В.В. Храбовченко (2003), Т.Бочкарева (2003). Работа таких исследователей, как Егоренко (2003), Н. Тухлиев и Т. Абдуллаева (2006) больше ориентирована на маркетинг, менеджмент, обслуживание в экотуризме. Они не раскрывают четкой разницы между природным туризмом и экотуризмом или теоретическими основами экотуризма. Однако экотуризм - это не только отрасль экономики, но и необходимый элемент обучения и воспитания.

Состоянию и проблемам экотуризма в России посвящены работы Боголюбова Н.М., Николаева Ю.В., 2011. Особое внимание авторы уделяют анализу приграничного сотрудничества на севере. Были обсуждены различные реализованные проекты, подчеркнуто приграничное сотрудничество и их важность для защиты окружающей среды. Однако в этих исследованиях не анализировалось развитие экологического туризма в озерной системе.

Исследователи, которые занимались озерной системой Айдар-Арнасай, не анализировали гидрологические изменения ААОС за многие годы. Динамика изменения площади озерной системы на протяжении многих лет, корреляционная зависимость изменения уровня воды, количество водных ресурсов озерной системы зависят от количества воды, поступающей из Чардарьинского водохранилища и коллекторных стоков, а также климатических условий. Изменения площади, уровня воды и количественных и качественных показателей озерной системы за многие годы не оценивались с помощью программ ГИС. Гидрохимия водных ресурсов озерной системы изучена в 2011 г. И. Беликовым на основе полевых исследований. В ходе

исследования проанализированы качественные показатели водных ресурсов озерной системы. Однако в научно-исследовательской работе гидрохимия водных ресурсов озерной системы не изучалась в полном охвате всей системы, не в полной мере изучались и оценивались изменения показателей качества воды с помощью программы ГИС.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где была выполнена диссертация. Диссертационное исследование Проект хозяйственного договора Джизакского политехнического института на предмет плана научно-исследовательских работ от 26.10.2019 № III/1-2019 «Проведение научных исследований по изучению условий жизни и местообитаний птиц и животных в районе Джизакской области» (2019-2021).

Цель исследования состоит в выявлении и оценке изменений количества и качества водных ресурсов ААОС, разработки предложений и рекомендаций по эффективному использованию возможностей для развития экотуризма на территории и стабилизации экологической безопасности.

Задачи исследования:

- Выявление и оценка влияния на ААОС Сырдарьинских и коллекторно-дренажных вод, протекающих через Чардаринское водохранилище, на количество и качество воды в озерной системе;
- Определение динамики изменения гидрологического режима водных ресурсов ААОС и оценка по методам ГИС;
- Анализ качественных показателей водных ресурсов ААОС;
- Оценка изменения качественных показателей водных ресурсов озерной системы путем составления карты по методу ГИС на основе выявленных анализов;
- Определение баланса водных ресурсов ААОС;
